XALQ DEPUTATLARI RISHTON TUMAN KENGASHI

Q A R O R I

2022 - yil 3 - fevral VI-34-11-11-158-K/22 Rishton tumani hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги “Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-5152-сонли Қарори ижроси юзасидан тумандаги кўп квартирали уйларнинг хар бир метр квадрати учун ойлик “Мажбурий бадал” миқдорини белгилаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги “Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-5152-сонли қарорининг 7-банди “е” қисмида “кўп квартирали уй-жойдаги умумий мол-мулкнинг талаб даражасида сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган хизматлар ва ишларнинг минимал рўйхати Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан тегишли ҳудуддаги бошқарувчилар билан биргаликда ишлаб чиқилади ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқланади”деб белгилаб қўйилган.

2021 йилда тумандаги кўп квартирали уй-жойлардаги умумий мол-мулкнинг талаб даражасида сақланишини таъминлашга зарур бўлган хизматлар ва ишларни амалга ошириш учун йил бошида “Харажатлар сметаси” ишлаб чиқилган бўлиб, “Харажатлар сметаси”га асосан кўп квартирали уйларнинг хар бир метр квадрати учун ойлик “Мажбурий бадал” миқдори 400 сўм этиб белгиланган.

Сессия кун тартибига киритилган масалани муҳокамасидан ва билдирилган таклифлардан келиб чиқиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини 6 ва 24 моддаларига мувофиқ халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1.Риштон туман “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш” бўлими бошлиғи М.Қўзибоевни туманидаги кўп квартирали уйларнинг хар бир метр квадрати учун ойлик “Мажбурий бадал” миқдорини 400 (тўрт юз) сўм этиб белгилаш тўғрисидаги Ахбороти ва ишлаб чиқилган “Харажатлар сметаси” маълумот учун қабул қилинсин.

2.Туман “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш” бўлими бошлиғи М.Қўзибоевни кўп квартирали уйларнинг хар бир метр квадрати учун ойлик “Мажбурий бадал” миқдорини 400 (тўрт юз) сўм этиб белгилаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3.Туман “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш” бўлими бошлиғи М.Қўзибоев ва кўп қаватли уй-жойлари мавжуд бўлган МФЙ раисларига: худудларда мавжуд кўп квартирали уйларнинг хар бир метр квадрати учун ойлик “Мажбурий бадал” миқдорини 400 (тўрт юз) сўм этиб белгиланганлигини бошқарувчилар ва мулкдорларга етказиш ва ушбу бадални ундиришда яқиндан ёрдам бериш вазифалари юклатилсин.

4.Мазкур қарор ижросини таъминлаш “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш” бўлими бошлиғи М.Қўзибоевга юклатилсин.

Туман хокими **С.Солиев**